БАҲС

# ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

***Қадим ул-айёмда сўз — илоҳий, шеър муқаддас ҳисобланиб келган. Ҳадисда ҳам бежиз: «Сўзда — сеҳр бор, шеърда ҳикмат», дейилмаган. Донишмандлардан бири: «Сўз бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлур», деган экан.***

Кейинги пайтларда шеъриятимизда сўзларни бутун маъно қирралари билан тушуниш, барча услубий бўёқларини ҳис қилиш, ўрнини топиб, танлаб-чертиб ишлатиш анъанаси тобора йўқолиб бормоқда. Шунга мувофиқ, ҳозирги шеърлар ичида қиёмига етмаганлари, бир қайнови кам — сайқалбоплари кўп, уларда ўз ўрнига тушмаган, нотўғри қўлланган сўзларга ҳам тез-тез дуч келамиз. Ҳолбуки, шеър баъзан бир ўтиришда ёзилса ҳам, аксар ҳолларда у муттасил сайқал бериш натижасида мукаммаллашади ва санъат асарига айланади. Миртемирда бу жараён то шеърлари босилиб чиққунча ва ундан кейин ҳам давом этган. Абдулла Орипов шеърларининг бадиий юксаклиги ҳам айнан заргарона машаққатли меҳнат самараси.

Ҳозир эса баъзи шоирлар сўзни орқа-ўнгига қарамай ишлатади, ҳатто ўзлари қўллаётган сўзнинг нима маъно англатишини ҳам билмайди, уларни кўпинча сўзнинг ташқи гўзаллиги, жарангдорлиги маҳлиё қилади — маъноси билан ишлари йўқ. Айтайлик, гулга нисбатан теран сўзини ишлатиш мумкинми (А.Ҳамро қизи — «теран гул»)? **Теран** — чуқур, тагига етиб бўлмайдиган, ҳар томонлама асосланган маъноларини билдиради. Лайло эса «ҳалол эдим гулдан» дейдики, гулга нисбатан **ҳалол** сўзини ҳам қўллаб бўлмайди. Ёки **каҳрабо** — сариқ рангли қаттиқ ялтироқ тош. Маъжозий маънода: сариқ ранг. Ошиқлар айриликдан сарғайган заъфарон юзларини унга нисбат берадилар. Шундай экан, «каҳрабо тун» (О.Бекмуродова) сифатини қандай тушуниш керак? (Шу ўринда сўзнинг ўзи-да **қаҳрабо** тарзида кўпинча нотўғри ёзилиб келинаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз).

**Дуркун** — бўлиқ, тўла, гавдали дегани. Демак, бу сўзни ибодат ёки ғамга нисбатан қўллаш қанчалик тўғри (С.Субҳон — «Тавоф ибодатим сенга хос дуркун», «ғамларим дуркун»)? **Интим** сўзи юракдаги, сир тутилган, яширин, махфий; дилкаш, яқин, қалин; ишқий, жинсий каби маъноларни билдиради: интим муносабатлар, интим лирика, интим суҳбат. Энди... Дилбаройнинг «Фалак моҳ ортидан боқади интим?!» сатри қойилмақом эмас-да. Шоиранинг «Мовий саҳар узра титранади сун» сатридаги **сун** сўзи ҳам тушунарсиз. **Сунмоқ** — узатмоқ, сузмоқ, тутмоқ, чўзмоқ маъноларини билдиради. Маълум бўладики, **сунмоқ** маъносидаги **сун** сўзи бу ерга тўғри келмайди. Яратиш, пайдо қилиш маъносидаги **сунъ** сўзи эса янада ноўрин. Шоира сун сўзи орқали нима маънони кўзда тутгани номаълум.

**Қийғоч** — қисиқ ёки сузук (кўз ҳақида), қия (қош ҳақида) маъноларини билдиради. Бинобарин, «Сўнг бўсалар олганча қийғоч», «Ёндирдинг дилимда туйғулар қийғоч» (М.Мирзо), дейиш ўринли эмас.

Маълумки, қуёшнинг ёғдуси, ёғдунинг эса зарраси бўлади. Томчи, юқ деб эса суюқ нарсаларнинг қолдиғи, энг кичик қисмига айтилади. Демак, Б.Эшпўлатовнинг «ёғду юқи» дейиши нотўғри («Сезаман танда бир ёғду юқини»). Нур ва ёруғликка нисбатан **емоқ** сўзини ишлатиш ҳам ножоиз: «нўр ейди», «ёруғлик ейди» (А.Қутбиддин).

Киприк-ку узун бўлади, лекин кўз-чи (А.Саид — «Арвоҳнинг кўзлари узун»)? Ёки «Кўзингнинг чашмида оқдим» (Д.Ҳайдарова) дегани нима? Ахир, чашм ҳам форсчада кўз дегани-ку? Демак, бу сатр «Кўзингнинг кўзида оқдим» бўлади. Мана бу сатр ҳам шунга ўхшайди: «Қалб дегай: оч кўнглингни...» (Ж.Ҳамро). Д.Султон эса «Шамси моҳ юзига ҳино бўл қоним», деб ёзади. Аввало, ҳино юзга қўйилмайди. Қўлга, бошга, ҳатто оёққа қўйиш мумкин. «Шамси моҳ» дегани нима? Шамс — қуёш, моҳ — ой эканини назарда тутсак, «ойнинг қуёши» деган мантиқсиз бир ибора келиб чиқади — у маъшуқанинг сифати бўлолмайди. Мумтоз адабиётда ҳам бундай сифатлаш йўқ: шамс бор, моҳ бор, лекин шамси моҳ йўқ. Шамсу моҳ — ой ва қуёш бўлса, бошқа гап. О.Ҳожи бир мухаммасида «тавре ҳолга тушмишам» иборасини ишлатади. Ахир, **тавр** деганининг ўзи ҳол-ку?

**Руҳ** сўзи шунчалик урфга айландики, уни ўринли-ўринсиз қўллаш авж олди. Бу сўзнинг жон, нафас; ҳаёт, тирикчилик; арвоҳ, хотира; табиат, мижоз, аҳвол каби маънолари борлиги луғатларда қайд этилган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бугунги кунда қўлланмайди, бу маънолардан баъзилари, ҳатто, ҳозирги ўқувчига таниш ҳам эмас. Шоирларимиз эса кўнгил, кайфият, аҳвол ўрнида ҳам руҳ сўзини қўллаб кетаверадилар. Чунончи, «Руҳим билан шундай севганлигим рост» (С.Худойназарова) каби мисрада уни бемалол кўнгил сўзи билан алмаштириш мумкин ва бу халқ тилига мувофиқ бўлади. «Азизим, руҳимни ранжитма фақат» (Ж.Ҳақбердиев) сатрида ҳам кўнгил сўзи муносиб бўлиб, бу ерда руҳ сўзи арвоҳ маъносини бериши мумкин.

Руҳ — ҳужжат ул-ислом Имом Ғаззолий таъбири билан айтганда, «ҳастийи нестнамой», яъни кўзга кўринмайдиган борлиқдир. Бизнинг шоирлар эса уни ичадилар (М.Бону — «Ичганга ўхшайсан Менинг руҳимни»), едирадилар (Ш.Ўринов — «Руҳимни қарғалган елга едирдим»), савалайдилар (Б.Рўзимуҳаммад — «руҳни савала»), бўғизлайдилар (М.Туркой — «чала бўғизланган руҳни»), тилкалайдилар (Д.Ражаб — «руҳимни тилкалади»), тўғрайдилар (М.Мирзо — «Руҳим мўрт қоядай тўғралиб кетди»)...

**Фаришта** (ёки малак, малойика) деб Парвардигори олам хизматидаги руҳоний мавжудотларга айтилади — уларнинг жисми ҳам, жинси ҳам бўлмайди. Маъжозий маънода гўзал ва покиза қизларни (пок ва беғубор кишиларни ҳам) фариштага ўхшатадилар. Шундай экан, «бесавод фаришталар» (Б.Рўзимуҳаммад) дейишда мантиқ борми? Ёки «фаришта ғажир» (У.Азим), «Фаришта қонидан қўшилган ифор» (М.Абдуллаева), «Фаришта лабида чўмилди кулгим» (Ф.Шодиева), «ечинган малак» (Ҳ.Аҳмедова) каби ибора ва мисраларни қандай тушунмоқ лозим.

> ***“Қобуснома”да шундай дейилади: “...агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг... мушкул сўздин парҳез қилғил ва ўзинг билиб, ўзгалар унинг шарҳига муҳтож бўлғудек сўзни айтмағил, нединким, шеър айтғон киши халқ учун айтур ва ўзи учун айтмас”.***
>
> ***“Қобуснома”дан***

Кейинги йилларда қадимий, кўҳна сўзларни қўллашга қизиқиш кучайди. Аслида, бу анъана аввалдан мавжуд эди. Чунончи, Ғафур Ғулом ва Абдулла Орипов ижодини синчиклаб кузатсангиз, араб, форс ва қадим туркий сўзларни «кўб ва хўб» қўллаганликларига гувоҳ бўласиз. Ҳозир ҳам бундай сўзлардан маҳорат ва меъёри билан фойдаланаётган шоирлар кўп. Айни пайтда, уларнинг маъносини тушунмай, ноўрин қўллаётган, шу билан бирга, уларни суиистеъмол қилаётган шоирлар ҳам бор. Чунончи, **дун** сўзининг маъноси тубан, пасткаш, разил бўлиб, мумтоз адабиётда кўпинча **даҳри дун** — тубан дунё тарзида нотанти дунёнинг сифати бўлиб келади. Ҳолбуки, У.Азим, А.Суюн, И.Отамуроддан тортиб, С.Ашур, В.Файзулло, Х.Рустамова, А.Ҳайитов, М.Ҳамроевагача бўлган турли авлод шоирлари **дун** сўзининг ўзини дунё маъносида қўллаб кетаверадилар. Айни пайтда, **дайр** — ғайриисломий ибодатхона, мажозан эса майхона бўлиб, унга нисбатан дун сифати ишлатилмайди. **Даҳр** ва **дайр** сўзларининг маъноларини фарқламаслик оқибатида баъзи шоирлар (М.Мирзо, Лайло, Д.Султон) **даҳр** ўрнида ҳам **дайр** сўзини қўллайверадилар. Ёки **кажрафтор** сўзининг маъноси эгри юрувчи, тескари айланувчи бўлиб, **чархи кажрафтор** тарзида — тескари айланувчи фалак мазмунида қўлланади. Бинобарин, А.Қутбиддин, С.Ашур каби шоирларнинг чарх ўрнида кажрафтор сўзини ишлатишлари улар кўзлаган маънони бермайди. Худди шундай, **даввор** сўзи ҳам айланувчи, чарх урувчи маъносини билдириб, «чархи даввор», «гунбази даввор» тарзида қўлланади ва фалакка ишора қилади. Айрим шоирлар (О.Икром, З.Худойшукур) эса даввор сўзининг ўзидан фалак, дунё маъносида фойдаланадилар. **Тобон** сўзининг маъноси порлоқ, ёрқин, дурахшон бўлиб, **моҳитобон** тарзида ойнинг сифати ва кўчма маънода гўзал қизларнинг тимсоли бўлиб келади. Лекин унинг ёлғиз ўзи ой маъносини бермайди (С.Ашур — «Кеча билан тиллашган қизни Мазах қилиб қочади тобон»).

**Ҳаргиз, абас, маъво, нисор** каби сўзларни эса кўпчилик шоирлар асл моҳиятини тушунмай ишлатадилар. Айтайлик, **ҳаргиз** — асло, сира, ҳеч, ҳеч қачон, ҳеч вақт, абадан (инкор мазмунида) маъноларини англатади. Замонавий шоирлар эса бу сўзни аслига тескари — ҳамиша, доим, мудом маъноларида қўллайдилар: «Ҳаргиз борлиқ бутун ибрат, таомил», «Ҳаргиз шоҳид орим» (С.Субҳон), «Исмингни чақириб-чақириб ҳаргиз — Ибодат қиляпман, ибодат» (Х.Рустамова), «Онт ичгум — бўлурман ҳаргиз очиққўл», «Юрардим йироқда ҳаргиз кўнглим тўқ», «Омадинг ҳаётда ҳаргиз чопса ҳам», «Ҳаргиз ҳақни дея осилди Машраб» (М.Мирзо). Ёки **маъво** — турар жой, бошпана, манзил, макон, хона, мажозан эса ибодат қиладиган жой маъноларини билдиради. Лекин шоирларимиз бу сўзни қандайдир тушунарсиз бир маънода ишлатадилар. Жумладан, А.Қутбиддиннинг «маъво салтанати» иборасини қандай тушуниш керак? Ҳ.Аҳмедова қўллаган «лабларим маъво» иборасини-чи? Дилбарой эса: «Юрагимни маввода (?) қолдирган куним», дейди.

С.Субҳон, Ҳ.Абдиназар, З.Худойшукур каби шоирлар ижодида эса қадимий сўзларни меъёридан ортиқ қўллашга уриниш кўзга ташланади: «Тақи очун нисор — тинди харобот», «Ҳажар роҳин ювди дил жолам» (Ҳ.Абдиназар), «Ҳаргиз ғайри, абас олиҳага ёт» (С.Субҳон)...

Баъзи шоирлар ижодида ҳозирги ўқувчига тушунарсиз сўз ва ибораларга тез-тез дуч келасиз: «абобил умидлар», «алкан илтижолар» (Б.Эшпўлатов), «қоҳира субҳ», «руҳафзода дилвати соз», «ёнар афроз», «роҳил ўйларим» (Ҳ.Абдиназар).

«Қобуснома»да шундай дейилади: «...агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг... мушкул сўздин парҳез қилғил ва ўзинг билиб, ўзгалар унинг шарҳига муҳтож бўлғудек сўзни айтмағил, нединким, шеър айтғон киши халқ учун айтур ва ўзи учун айтмас».

Яна бир нохуш ҳодиса — шоирларнинг билиб-билмай, ўзларича янги сўз ясашларидир: вафоат, висолат (И.Отамурод), кунотар (А.Қутбиддин), қисматбоз (А.Маҳкам), маъюсият, ёлғизият, ғамсувор, озористон (С.Ашур), кулистон, ғамранг, тункўл, қонолуд, чангакдил, руҳкамар (А.Саид), ёнарзор, қалброҳ, жонистон, хаёлдўз, ашқлиқо, руҳназар, нимруҳ (Ҳ.Абдиназар), тунзор (О.Тўрақулова) оҳзода, иймонса, муҳтожиб, нокироҳ, беандоз, боҳақ, боаввал, бохуллас, бомутлоқ, бомаъқул, боишонч, бохулла (С.Субҳон), сарсиб, манзилот (Лайло)...

Ялтироқ сўзларга ружу қўйиб, мантиқсиз иборалар ясаш ҳам авж олди. Чунончи, ҳавога нисбатан даҳрий дейиш (З.Худойшукур — «даҳрий ҳаво»), шуълани шаккок деб аташ (Б.Рўзимуҳаммад — «шаккок шуъла»), висолни шармандага чиқариш (А.Маҳкам — «шарманда висол»), сирни бетгачопарликда айблаш (Б.Эшпўлатов — «бетгачопар сир»), гумонни ададийлаштириш (Б.Эшпўлатов — «барҳаёт гумон»), байтни сўйиш (Ҳ.Аҳмедова — «сўйилган байт») мумкинми? Ундан ташқари, «чорбоғлар бадани», «умид асаби» (Б.Эшпўлатов), «олма ишқий гуллаган» (С.Оллоёр), «қаърим қаърида» (О.Икром), «хилқатли кўксим» (Н.Абдураҳмонов), «осмонсизлик қаърида» (И.Искандар), «нимранг нигоҳ», «ҳилолий ҳарам», «ҳилолий товуш» (Дилбарой), «ҳижроний мерос» (Хуршида), «осмон — лаққи» (А.Қутбиддин) каби иборалар ҳам ғализ ва мавҳум, кўнгилга ботмайди.

Баъзида юклама ва боғловчиларни қандай қўллашни билмайдилар ёки бу нарсага шунчаки эътибор беришмайди. Масалан, А.Қутбиддин бир шеърида «Оқу ва қора» дейди. Бу ерда «у» юкламаси ё «ва» боғловчисидан бири ортиқча. Форсий «и» изофаси ўрнига «у» юкламасини қўллаш эса сўзнинг маъносини бузади, уни икки алоҳида-алоҳида қисмга ажратиб юборади. Чунончи. С.Субҳон «Шайтону лаин» дейди. Бу шайтон ва лаин деб иборани иккига ажратиб юборади. Ҳолбуки, бу ибора шайтони лаин — лаънати шайтон сифатида қўлланади. Ёки «жуфту ҳалол» (Н.Йўлдошева) жуфт ва ҳалол дегани бўлади. Тўғриси: жуфти ҳалол — ҳалол жуфт (эр ёки хотин).

Жуфт сўзларни ёзишда ҳам шундай камчиликлар кўзга ташланади. Чунончи, бола-чақа маъносида бола-бақра жуфт сўзи ишлатилади. Лекин бақранинг ўзи бола маъносини бермайди — у маъносиз сўз. А.Қутбиддин эса бола маъносида бақра сўзини қўллайди — «бақралари оч». Ёки Х.Рустамова «майда-чуйда»ни «майда ва чуйда», «бор-буд»ни «бор-шуд» тарзида қўллайдики, бу — тўғри эмас.

Маълумки, ўзбек тилида жинс категорияси йўқ. Шунга қарамай, араб тилидаги жинсни билдирадиган шоира, олима, муниса каби сўзлар тилимизга сингиб кетди. Лекин бу барча сўзларни ҳам жинслаштириб қўллаш керак, деган маънони билдирмайди. Айни жиҳатдан, Ш.Отабекнинг **дарвеша** («Мен дарвешу сен дарвеша бўлгандинг»), Лайлонинг **фақира** («Фақира бўлмиш-ай кунлар белибос»), С.Ашурнинг **мавлуда** («мавлуда сезги») дейиши кишига ботмайди. Тилимизда олдинги икки сўзнинг бу жинс шакли йўқ, кейинги сўз исмдагина сақланган.

**Қусмоқ** сўзи мажозан қийналмоқ, машаққат чекмоқ мазмунини билдиришини айтмаганда, унинг ижобий маъноси йўқ. Бинобарин, С.Саййиднинг қуйидаги сатрларида бу сўз ўз ўрнига тушмаган:

**Юртингнинг оқинлари**
**Дўмбирасини қучиб узун тунлари**
**Эпослар қусдилар оч юракларидан.**

Ёки С.Ашур ёзади:

**Оролдай қуриётган кўзларингга**
**Қовурғамнинг иликларини қусдим.**

**Ҳар куни қуёш ютиб, қуёшни қусиб...**

Маъшуқа лабининг қизиллиги ошиқ юрагининг қонидан эканлиги мумтоз шеъриятда ҳадди аълосида куйланган. Жумладан, Лутфий «Юрак қониндин дудоғи турур қизариб», дейди. С.Ашур эса айни фикрни янгича шаклда ифодалаш учун «тупурмоқ» каби салбий маънодаги сўздан фойдаланди:

**Юрагимнинг қонини**
**Лабларингга тупурдим.**

Тупурмоқ сўзининг ҳам қусмоқ каби ўзбек тилида ижобий маъноси йўқ.

Жасоратли адиб Абдулла Қаҳҳор ўз вақтида: «Нима учун кўча ҳаракатини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?» — деб бонг урган эди. Кейинги пайтларда адабиётимизда ўзбек тили қонун-қоидаларига зид жумлалар тузиш, нотўғри қўллаш билан боғлик камчиликлар, услубий-грамматик хатолар шунчалик кўпайиб кетдики, мазкур мақола шу хилдаги иллатларга эътиборни қаратиш мақсадида ёзилди.

Ўз-ўзидан, бу тил борасида йўл қўйилаётган қусурларнинг яхлит ва батафсил тадқиқи эмас, балки уларнинг бир шингили, холос. Зеро, Хўжа Ҳофиз таъбири билан айтганда: «Ҳар сухан жоеву ҳар нукта мақоме дорад» — «Ҳар сўзнинг ўз ўрнию ҳар маънонинг ўз мақоми бор».

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

## Доимий ҳамроҳ

Бугунги кунда дунёда бразилиялик ёзувчи Пауло Коэлонинг ғаройиб романларини билмаган адабиёт мухлиси топилмаса керак. «Алкимёгар»нинг энг кўп — 65 миллион нусхада босилганлиги туфайли номи «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилган машҳур адибнинг асарлари жаҳондаги 120 мамлакатда, турли тилларда чоп этилган. Масалан, Киевдаги «София» нашриёти кейинги йиллари унинг етти китобини босиб чиқарди ва янги романи «Ўн бир дақиқа»ни украин тилига таржима қилдирди. Шу боисдан Пауло Коэло ҳам украин китобхонларини яхши кўради. У бундан икки ой муқаддам Украинада бўлиб, мухлислари билан учрашувлар ўтказди, суҳбатлашди.

— Мен курашни, қувонч бағишлайдиган ғалабани афзал кўраман, — дейди ёзувчи. — Мен ҳаётсевар одамман... Ҳар бир одамнинг ҳаётда ўз вазифаси бор, ана шу бурч одамни илҳомлантиради ва унинг қилмишларини белгилаб беради.




«Ҳар бир китоб мен учун ўз-ўзимни англаш жараёнидир... Мен ўзим ҳис қилган нарса ҳақида ёзаман... Фикримча, дунё яхшироқ бўлиши учун одам ўзини камол топтириши лозим. Ҳеч ким ўз ҳолича, бошқалардан алоҳида бахтли бўлолмайди. Шунинг учун ўзимизни ўзгартирар эканмиз, атрофимиздагиларга таъсир кўрсатамиз», дейди адиб ўз гурунгларида...

«Алкимёгар» ўзбек тилига илгари Озод Шарафиддинов ва Аҳмад Отабоев томонидан таржима қилинган эди. «Янги аср авлоди» нашриётида шоир Азиз Саид таржимасида чиққан «Алкимёгар» (2004) учинчиси. Масъул муҳаррир: Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев; муҳаррир — Мурод Ҳидир. Адади 5000 нусха.

Китобга таржимоннинг «Пауло Коэло ва «Алкимёгар» номли адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи каттагина мақоласи илова қилинган.

Тарих ва тақдир

**Шариф ЮСУПОВ**

# ХОННИНГ

- Архив ҳужжатлари тилга кирганда
- Хон Англияга нега борди?
- Худоёрхон ва қиролича Виктория

## Биринчи мақола

Худоёрхоннинг Англияда, қиролича Виктория ҳузурида бўлгани, хонлик тақдири борасида у билан музокаралар олиб боргани ҳақидаги ҳужжатлардан хабардормисиз? Бу хон учун Ватанни мустамлакачилардан асраб қолишнинг сўнгги чораси эди. Худоёрхоннинг бу йўлда чеккан заҳматлари озмунча эдими?



Унинг тахтга уч марта — 1845, 1862 ва 1865 йилларда чиқиб, йигирма беш йил чамаси мамлакатни бошқарганлиги кўпчиликка аён. Худоёрхон илк бор 1858 йили акаси Маллахон томонидан, сўнгра 1863 йили машҳур Алимқули тарафидан тахтдан жудо қилинган. Уч йилдан ортиқроқ муддат тахт соҳиби бўлган Маллахон 1862 йил бошида бир гуруҳ сарой аъёнлари томонидан ўлдирилади. Алимқули 1865 йили Тошкент шаҳрига бостириб келган рус аскарлари томонидан, у тахтга ўтқазган ёш Султон Саидхон эса Бухоро амири Музаффар фармойишига кўра қатл этилади. Тошкентда ҳаёт-мамот жанглари бораётган бир паллада Худоёрхон амир ҳомийлигидан фойдаланиб, Қўқон хонлиги тахтини учинчи бор эгаллайди. Шундан сўнг 10 йилдан ортиқроқ муттасил ҳукмфармолик қилади.

Акаси Маллабекнинг Мусулмонқулини енгишдаги жасоратига тан берган Худоёрхон 1852 йилдаёқ хонлик тахтини унга таклиф этган, ўзи унинг хизматида камарбаста бўлишини айтган. Лекин Маллабек хон таклифини қабул қилмаган, укасини ўз раъйига юргизадиган баъзи маслаҳатлар бериш билан кифояланган эди. Орадан беш йил ўтгач, мамлакат ҳудудларидан бирида юз берган тартибсизликларни бостириш учун қўшин билан жўнаб, ўрнига вақтинча Маллахонни қолдирганида акаси дарҳол куч тўплаб, ҳокимиятни қўлга олишга қатъий киришади. Бундан хабар топган Худоёрхон дарҳол Қўқонга қайтиб, ўз тахтини эгаллайди. Маллабек Қўқондан кўчиб кетадию бир йил чамаси вақт ичида кўп аскар йиғиб, хонлик тахтини эгаллайди. Худоёрхон эса Бухорога қочиб, 4 йил давомида тахтга қайтиш иштиёқида заҳматли ҳаёт кечиради. Иккинчи марта тахт қўлдан кетганидан кейинги муддат икки йилни ташкил этиб, бу даврда ҳам Худоёрхон Бухорода олдинги аянчли ҳаётини давом эттириб, амир Музаффарнинг барча хўрликларига чидаб кун кўради.

Лекин учинчи, сўнгги бор тахтдан ажралишнинг Худоёрхон учун қанчалар зўр фожиа бўлганини сўз билан ифодалаш қийин. Хон тахтдан жудо бўлишидан икки-уч йил олдин қирғиз жамоалари орасидан Исҳоқ Ҳасан ўғли деган бир носфуруш Самарқандда муллаваччалик қилаётган, асли хон авлодларидан бўлган Пўлатхон номидан тахт даъвоси билан чиқади ва атрофига кўп аскар тўплаб, катта хавф туғдира бошлайди. Худоёрхоннинг катта фожиаси шундаки, унинг энг ишонган лашкарбошилари Абдураҳмон офтобачию Исо авлиёгача, Марғилон беги лавозимидаги иниси Султон Муроду фарзандлари Насриддин билан Муҳаммад Аминбеккача ўз қўл остиларидаги ўн минглаб аскарлари билан бирин-кетин сохта Пўлатхон томонига ўтиб кетадилар. Хон учун бундан кўра даҳшатлироқ ҳолни тасаввур этиш қийин. Хонни тахтни ташлаб рус босқинчиларидан паноҳ сўраб боришга мажбур этган сохта Пўлатхон, аслида носфуруш Исҳоқ Ҳасан ўғли эса, тахтга асло муносиб бўлмаган, ўта тўпори, жаллодтабиат одам эди. У тахтда ўтирган уч ойча муддат ичида шунча одамнинг қонини тўкдики, унга замондош муаррихлар асарларини, архивларда сақланиб қолган ҳужжатларни кўрганда кишининг тепа сочи тикка бўлиб кетади. Масалан, Умидий-Ҳавоий «Мактубчаи хон» достонида сохта Пўлатхон ёш гўдакларни кундага қўйиб чопишга зўр бергани учун уни «Заҳҳоки соний» деб атайди. Худоёрхоннинг сохта Пўлатхон кундасига қўйилиб чопилишдан аранг қутулган ўғли Ибн Яминбек «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган таржимаи ҳол асарида бу қонхўр яқиндагина у билан ёнма-ён туриб, акаси Худоёрхонни тахтдан ағдариш учун курашган ҳамтовоғи Султон Муродбекнинг ўзинигина эмас, балки унинг ҳали балоғатга етмаган олти ўғлини, шунингдек, хоннинг бири уч яшар, иккинчиси тўрт яшар гўдакларини ҳам қиличдан ўтказганлигини чексиз алам билан ёзади.

Хонликни босиб олишда алоҳида «фидойилик» кўрсатган генерал-майор Скобелов 1875 йил 4 ноябрда фон Кауфманга берган маълумотларни ўқисак, сохта Пўлатхоннинг юқоридаги ишлари ҳам ҳолва бўлиб қолади:

«Пўлатхонни ҳаддан ташқари шафқатсиз ва ўжар одам демоқдалар. Айтишларича, Пўлатхон бир мўътабар одамни ўлдирмасликни илтимос қилгани учун ҳатто ўз отасини қатл этишга буюрибди (Республика Марказий архиви, 715-жамғарма, 1-қайд, 65-иш, 38-саҳифа)».

Ана шуларнинг ҳаммасидан кейин бу жаллодлар жаллодини «халқ озодлик ҳаракати раҳнамоси» шоҳсупасига кўтариб, у ҳақда рисола чоп эттираётган, ҳатто унга қаҳрамон сифатида мақтовлар айтаётган баъзи тарихчиларимизнинг ҳақиқатга зид ишлари кишини ажаблантиради. Шуниси ҳам борки, «Ўзбекистоннинг янги тарихи»да: «ватан озодлиги учун жон олиб, жон берган халқ қаҳрамони, истиқлол жангчиси» дея кўкларга кўтарилган сохта Пўлатхон эзгу мақсадлар учун сўнгги нафасигача курашган фидойи шахс эмасди, асло. Буни шундан ҳам билса бўладики, у рус босқинчиларига таслим бўлиш мақсадида 1876 йил 18 январда Россия ҳукуматининг Хўжанддаги ҳокими барон Нольде ҳузурига Мир Бадал охунд бошчилигида 14 кишидан иборат элчиларни юборади. Нольде уларни Тошкентга жўнатади. Ўша кунларда Петербургда бўлган фон Кауфман буйруғига кўра сохта Пўлатхон элчилари Қўйлиқда тўхтатилиб, улар билан ҳеч қандай расмий учрашув ўтказилмай, орқасига қайтариб юборилади (Республика Марказий архиви. 1-жамғарма, 34-қайд, 327-иш, 7-11- саҳифалар)».

Хуллас, Худоёрхон тахти уни тортиб олганларнинг ҳеч бирига вафо қилмади. Уларнинг ҳаммаси орадан бироз вақт ўтгач, тахтга кўз тиккан бошқа даъвогарлар томонидан қатл этилди.

Маълумки, Тошкент учун ҳаёт-мамот жанглари бораётган бир паллада Худоёрхон амир Музаффар ҳомийлигидан фойдаланиб, хонлик тахтини учинчи марта эгаллайди. Шундан кейин ўн йилдан ортиқ муттасил ҳукмронлик қилади. Худди ана шу даврда чор аскарлари хонликнинг Хўжанд, Бухоро амирлигининг Жиззах, Ўратепа сингари ғоят муҳим ижтимоий-иқтисодий вилоятларини бир йилнинг ўзида, яъни 1866 йили босиб оладилар.

Ана шу босиб олинган вилоятлар ҳисобига кенгайиб кетган Туркистон губернаторлиги 1867 йилга келиб, генерал-губернаторликка айлантирилди, генерал-адъютант Константин Петрович фон Кауфман ўлканинг бош ҳукмдори сифатида иш бошлади.

Худоёрхон хонлигининг учинчи муддатида қарийб 8 йил мобайнида ана шу ўта шафқатсиз ва илоннинг ёғини ялаган генерал-губернатор билан муросаю мадора йўлларини излаб, ғоят қалтис шароитда салтанатни бошқаришига тўғри келди. Фон Кауфман Худоёрхонга қандай муносабатда бўлганини кўрсатувчи баъзи архив ҳужжатларини келтирайлик. 1867 йил ёзи охирида генерал-губернаторлик фаолиятини бошлаган фон Кауфман дастлабки ойлардаёқ Қўқон хонлиги билан муносабатларини «хўжа кўрсин»га яхшилаш пайига тушади. Шу мақсадда октябр ва ноябр ойларида Худоёрхонга бир неча мактублар йўллаб, уларда ўзининг Туркистон ўлкасига бош ҳоким бўлиб келганини, Россия императори Александр II унга қандай ҳуқуқ ва имтиёзлар берганлигини маълум қилгач, энг яқин қўшни мамлакат бўлмиш Қўқон хонлиги билан генерал-губернаторлик ўртасидаги асосий масалаларни ҳал этиш учун нуфузли элчилар юборишни таклиф этади. Шу муносабат билан 3 декабр куни хонликдан келган элчиларни тантанали қабул этиш чоғида Кауфман уларга: «юқори мартабали Қўқон хони каби кейинги йилларда Россия билан дўстона муносабатларга содиқ бўлганлар биз билан қўрқмасдан иш олиб боришлари ва хотиржам бўлишлари мумкин» деса (Республика Марказий архиви, 715-жамғарма, 1-қайд, 35-иш, 292-саҳифа), 1868 йил 29 январда Худоёрхонга ниҳоятда хотиржам қилувчи ваъдалар бериб, шундай ёзади: «Бизга қўшни давлатларда хонлар билан халойиқ ўртасида низолар чиқишига буюк рус подшоҳи ҳеч қачон йўл қўймайди».

Шундан сўнг 1868 йил қиш фаслида Мирза ҳаким парвоначи бошлиқ элчилар Петербургга борадилар, император уларни шахсан қабул қилади ҳамда ўз номидан Худоёрхоннинг фаолияти мақталган мактуб йўллайди.

1870 йилга келиб Россия бош вазири княз Горчаков билан Худоёрхон ўртасида ёзишмалар бўлиб туради. Шу даврларда Қўқон хонига император оиласидаги энг нуфузли кишиларга бериладиган «Светлой» унвони берилади, жавоҳир юлдузли биринчи даражали Станислав ордени билан сийланади.

1871 йил 24 мартда фон Кауфман Худоёрхонга ёзган мактубида: «Сиз «оқ подшоҳ»нинг буюк ҳомийлигида экансиз, Сизнинг ҳар бир дўстингиз бизнинг дўстимиз, ҳар қандай душманингиз эса бизнинг ёвимиз бўлиб қолади», дея жуда катта ваъда бериб юборган эди (715-жамғарма, 1-қайд, 45-иш, 344-саҳифа).

1872 йил бошида Қўқон хонлиги тахтининг валиаҳди шаҳзода Насриддинбек Тошкентга келганида унинг шарафига берилган зиёфатда фон Кауфман Худоёрхонни Ғарбга бориб, кўп нарсаларни ўрганиб қайтиб келгач, ўз мамлакатини бир неча поғона юксакликка кўтара олган Петр I га ўхшатган, «Яшасин Худоёрхон!» дея қадаҳ кўтарган ва энг тўғри йўлдан бораётган раҳнамо сифатида роса улуғлаган эди (1-жамғарма, 34-қайд, 45-иш, 119-120-саҳифалар).

Лекин орадан бир неча йил ўтиб, Қўқон хонлигида тож-тахт талашувлари халқ бошига оғир кунлар келтириб, Худоёрхон ҳал этиш мумкин бўлмаган муаммолар гирдобида қолганида фон Кауфмандан ёрдам сўрар экан, генерал-губернатор унга «насиҳат» қилишдан нари ўтмайди. Сохта Пўлатхон қўшинларига бас келолмаган Худоёрхонга Тошкентга келишни буюриб, уни қўриқлаб келиш учун 60 кишидан иборат казак аскарларини юборган фон Кауфман хоннинг барча қаршиликларига қарамай, пойтахт Петербургга бориб императорнинг ўзи билан масалангни ҳал қиласан, дея алдаб, мажбуран жўнатиб, Оренбург генерал-губернатори Крижановский томонидан ушлаб қолиниб, ҳуқуқсиз маҳбус сифатида икки йилдан ортиқ афсус-надоматда кун кечиришига эришади.

Фон Кауфман шу воқеадан сўнг имзо чеккан икки ҳужжат унинг нақадар мунофиқлик билан иш тутганидан далолат беради ва ҳақиқий қиёфасини кўз олдимизда гавдалантиради.

Худоёрхон тахтни ташлаб, Хўжандда яшаётган кунлардаёқ фон Кауфман ўз ниқобини йиртиб ташлайди ва хонлик тахтига ўтирганига беш кунгина бўлган Насриддинхонга бундай деб ёзади: «Сизга маълумдирки, узоқ йиллар давомида дўст бўлишимга қарамай, мен ҳеч қачон унинг (отангизнинг демоқчи — қавс ичидаги барча изоҳлар муаллифники) хатти-ҳаракатини маъқуллаган эмасман» (Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-жилд, 156-бет).

Худоёрхон Петербургга бориш умидида сафарга чиққач, орадан ўн кун ўтибоқ фон Кауфман Қўқон халқига ёзган мурожаатномасида: «Сизларнинг собиқ хонингиз Худоёрни мен Петербургга жўнатдим. Энди у сизларга хон бўлмайди» деган сўзларни битади (715-жамғарма, 1-қайд, 63-иш, 46а-саҳифа).

Мана шу гаплардан кейин ўқувчида Кауфман Худоёрхоннинг хатти-ҳаракатларини ҳеч қачон маъқулламаган бўлса, нега энди унга олий даражадаги унвон ва орден берилишини сўраб, пойтахтдаги энг йирик амалдорларга қайта-қайта ёзма равишда мурожаат қилди ва бунга эришди? Қолаверса, Оренбургда тутиб қолишни олдиндан режалаштирган генерал-губернатор Худоёрхонни ҳам, хонлик фуқароларини ҳам у Петербургга жўнади деб ишонтириши, ҳатто хон Петербургга кетди, деб газетада бостириши нега керак бўлди, деган саволлар туғилиши табиий. Бу ниҳоятда чигал саволларнинг жавоби Туркистоннинг ўша вақтдаги бош ҳукмдори виждонига ҳавола.

Қўқон хонлигидаги тахт учун курашлар кучайгандан-кучайиб, Худоёрхон сохта Пўлатхоннинг ва унинг ёнига қўшилган энг яқин кишиларининг ҳужумларига бардош беролмай қолган 1875 йил июл ойи иккинчи ўн кунлигида хонликни ҳимоя қилиш учун фон Кауфмандан ҳарбий ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Бироқ хонликнинг бутун ҳудудини босиб олишни илгаридан режалаштириб юрган

*Санъатимиз намояндалари*

# ФАТТОҲ НАЗАРОВ ЁДИМИЗДАМИ?..

**_Дарёнинг ирмоқлари, ўзанлари қанча кўп бўлса, шунча ҳаётбахш ва қудратлидир. Мусиқа санъатимизнинг забардаст намояндаларидан бири Фаттоҳ Назаровнинг истеъдоди ҳам сермирмоқ, наҳрдай узун ва қудратли, десак хато бўлмайди._**



Сехрли мусиқа оламига уни нозиктаъб онаси, Тожинисо аянинг истеъдоди ва ижрочилик қобилияти бошлаб кирди. Тунлари эртаклар эшитишни ёқтириб қолган, алла куйланмаса ухламайдиган Фаттоҳжон бора-бора халқ ижодига қаттиқ меҳр қўйди.

Акалари кенжатой Абдуфаттоҳда мусиқага қизиқиш кучлилигини, овози ширали, ёқимли эканлигини оталари Ваҳобжон Қорига айтишади. "Ҳар кимнинг тонг юлдузи бўлади, — дейди ота. — Укангиз санъат осмонида бир митти юлдузни юлиб олса ажаб эмас". Отаси Фаттоҳнинг мусиқа билан шуғулланиши учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилади. У дастлаб мусиқа мактабида, кейин мусиқа студиясида таълим олди.

Фаттоҳжондаги катта мусиқий истеъдодни сезган устози Мирҳомид Мирҳамидов унга Москвадаги М.Ипполитов-Иванов номидаги мусиқа билим юртида ўқишни маслаҳат берди.

Учинчи курсда армия сафига чақирилади ва Москва ҳарбий горнизонидаги дамли чолғулар оркестрида созанда сифатида ҳарбий хизматни ўтайди. 1944 йили ҳарбий дирижёрлар тайёрловчи олий билим юртига ўқишга қабул қилиниб, уни муваффақият билан тугатади. Хуллас, Фаттоҳ Назаров изланиш даврининг биринчи босқичини муваффақиятли ўтайди. Урушдан сўнг Бишкек давлат драма театрида мусиқа раҳбари, айни вақтда қирғиз давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида дирижёр сифатида фаолият кўрсатади. Шу йиллар унинг янги ижодий имкониятлари очилишига сабаб бўлди.

Ёзнинг иссиқ ойларидан бирида, Иссиққўл соҳилида Фаттоҳ ака ижодкорлар билан бирга дам олаётган бўлиб, улар орасида Қирғиз давлат опера ва балет театри хонандаси Мунжия Эркинбоева ҳам бор эди. Фаттоҳ ака шу ерда хонандага атаб А.Осмонов шеъри асосида "Бўз бола" номли қўшиқ яратади. Мунжияхон бу қўшиқни дам олувчилар учун берилган концертда ижро этади. "Бўз бола" тез орада халқнинг севимли қўшиқларидан бирига айланиб, бугунги кунда ҳам хонандалар томонидан куйланиб келмоқда.

1947 йилдан Фаттоҳ Назаров Тошкент давлат консерваториясида опера-симфоник дирижёрлиги бўйича профессор Мухтор Ашрафий синфида таҳсил ола бошлайди. 1951 йилдан эса композиторлик ихтисослиги бўйича Г.Мушел синфига ўқишга киради.

Ф.Назаров композиция синфини биринчи симфониясини ёзиш билан тугатди. Шу тариқа у иккита — дирижёр ва композиторлик мутахассислигига мушарраф бўлади. Композитор ижодий фаолияти давомида деярли барча жанр ва шаклларда ижод этди. "Равшан" (Ж.Оймирзаев ва Т.Олланазаров либреттоси), "Алданган қиз" (Р.Орифжонов асари асосида), "Чевархоннинг найранглари" каби мусиқали драмалар ва бир неча радиопостановкаларга мусиқалар ёзди.

Ўзбек халқ чолғу оркестри учун "Ёшлар сюитаси", "Арча", "Қорақалпоқча рапсодия", "Қорақалпоқ халқ куйлари асосида сюита", "Шодиёна муқаддимаси", "Байрам марши" ва бошқа асарларни яратди.

Унинг "Ўзбекистон" (Ё.Мирзо сўзи), "Қирғизистон" (Миртемир), "Қорақалпоғистон" (Х.Турумбетов), "Қирғиз валси" (А.Осмонов) ва бошқа қўшиқлари тез-тез радио тўлқинларида янграб турибди.

Моҳир дирижёр сифатида Муқимий номидаги театрда Т.Жалиловнинг "Нурхон", С.Бобоевнинг "Ватан ишқи", Т.Жалилов ва Г.Мушелларнинг "Муқимий" каби кўплаб спектаклларига дирижёрлик қилди.

Тиниб-тинчимас бу санъаткор консерваторияда дирижёрликдан дарс бериб, профессор илмий унвонига сазовор бўлган. Унинг шогирдлари Ўрозимбек Муродов, Фаррух Мирусмонов, Фазилат Шукурова, Ҳикмат Ражабов ва бошқалар устоз ишини муносиб давом эттирмоқдалар.

Фаттоҳ Назаровнинг республикамиз мусиқа санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони берилди.

Агар ҳаёт бўлганида Ф.Назаров қутлуғ 85 ёшга кирган бўларди. Ўзининг ҳаёти ва ижодий фаолияти давомида ўзбек мусиқа маданияти зарварақларида муносиб из қолдиришга мушарраф бўлган санъаткор асарлари замонлар оша мухлисларни ром этаверади.

**Рустам ХЎЖАЕВ, доцент**

# НИЛУФАРГА АТАЛГАН ГУЛЛАР

Кўпинча одам яхши бир томоша кўрганда ёки зўр асарни ўқиётганда, ё бўлмаса, дилкаш инсон билан суҳбатлашганда вақт ниҳоятда тез ўтганини пайқамай қолади. Дафъатан, «наҳотки, шунча пайт ўтиб кетди, ҳозиргина бошланди-ку», деган фикр хаёлидан ўтади.

Ўтган ҳафта пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» саройида худди шундай ҳолатга тушдим. Истеъдодли эстрада хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нилуфар Раҳматованинг янги концерт дастурини томоша қилиб, икки соат вақт қандай ўтганини сезмай қолибман. Бир вақт Нилуфархон қучоғи тўла гул, ҳамфикрлари қуршовида дастурнинг юзага келишида хизматини аямаган одамларни номма-ном саҳнага таклиф қила бошлади. Томошабинлар қарсаклар билан хонандани қўллаб-қувватлаб турдилар. Ҳа, хонанда катта синовдан — мухлислар имтиҳонидан муваффақиятли ўтганди.

— Ушбу дастур сўнгги етти йиллик ижодий изланишларим ҳисоботи, десам ҳам бўлади, — дейди Нилуфар Раҳматова. — Агар эътибор берган бўлсангиз, концерт бошланишида мухлисларим ёдига солиш ниятида «шлягер»га айланган қўшиқларимни куйладим. Лекин дастуримни янги қўшиқлар асосида тузганман. Аксарият шеърларнинг матни ёш шоир Дониёр Мирзо қаламига мансуб. Кези келганда унга миннатдорчилигимни айтиб ўтмоқчиман.

Нилуфархоннинг муваффақиятига ўз ҳиссасини қўшганлар оз эмас. Бу ўринда, албатта, хонанданинг турмуш ўртоғи, дастур лойиҳаси ва мусиқалар муаллифи, машҳур бастакор Султонали Раҳматовнинг номини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аслида концерт давомида янграган 26 қўшиқнинг бир нафасда ижро этилгандек таассурот қолдиришида бастакорнинг катта хизмати бор. Шўх-шодон оҳанг майин наволарга, енгил эстрада мумтоз мусиқага шундай усталик билан боғланиб кетадики, концерт кўраётган томошабин бир қўшиқ қачон иккинчисига уланганини сезмай ҳам қолди.

Албатта, бу ўринда хонанданинг ижро ва актёрлик маҳорати ҳал қилувчи рол ўйнаган. Бинобарин, у ҳар бир қўшиқнинг оҳанги ва матнига яраша ҳаракат қилади, хонишининг асл мағзини фақат сўз билан эмас, балки хатти-ҳаракатлари, юз ифодалари билан ҳам мухлисларга етказишга интилади. Уч қисмдан иборат дастурнинг ҳар бир қисми учун Нилуфархонга тикилган либослар (дизайнер Дилмурод Миркомилов, дастур мазмунини тўлдиришга хизмат қилади.

Дастурнинг ҳақиқий шоу-концертга айланиши, шубҳасиз, режиссёрлар Гўзал Сулаймонова, Александр Цой ҳамда маслаҳатчи-режиссёр Саъдулла Абдуллаевлар саъй-ҳаракатларининг натижасидир.

Саҳнанинг безатилиши (бош рассом Бахтиёр Тўраев) алоҳида таҳсинга сазовор. Тошкент самолётсозлар заводининг қўлигул ишчилари томонидан тайёрланган маҳобатли нилуфар гуллари, концерт сўнгида турли рангларда юқорига отилиб чиққан ёритгичлар, ҳар бир қўшиққа мос ҳаракатлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлган раққос ва раққосалар ва бошқа яна ўнлаб одамлар дастурнинг кўнгилли чиқиши учун меҳнат қилганлар.

Ўйлаймизки, кўпчиликнинг катта меҳнати билан қўшиқ ихлосмандларига тақдим этилган хонанда Нилуфар Раҳматованинг янги дастурини кўрганлар қимматли вақтларига рози бўлдилар. Бу каби концертлар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан олиб борилаётган бир қатор ташкилий-назарий ишларнинг самараси бўлиб, навбатдаги хонандаларнинг ҳам яккахон чиқишлари бундан кам бўлмаслигини умид қиламиз.

Нилуфар Раҳматовага келсак, хонанда бугун яна ижод оламига шўнғиб кетган. Юртимизда ўтадиган тантаналарда, яқинлашиб келаётган янги йил давраларида мухлисларни янги қўшиқлари билан сийлаш ниятида изланмоқда. Мақом ва ўзбек халқ ашулаларидан иборат иккинчи албоми тайёр бўлиш арафасида. Хуллас, олдинда сизларни Нилуфархон билан янги учрашувлар кутади.

**Г.УМАРОВА**

*Танишув*

**_Аброр Парпиевнинг номи кўпчилик санъатсеварлар учун янгилик бўлиши мумкин. Лекин ёш, изланувчан бу хонанда ўз мухлисларини топиб улгурди. Унинг санъатга, қўшиқчиликка иштиёқини кўрган отаси ўғлини шу соҳа остонасига етаклаб келди._**

**Шуниси қизиқки, оиладаги тўрт фарзанднинг иккитаси қўллари гул усталар. Улар халқ ҳунармандчилиги, хусусан, ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб, эл-юрт дуосини олиб келишмоқда. Энг кенжа Аброр эса дастлаб Наманган санъат билим юртини тугатди. Сўнгра Консерваторияда мақом йўналиши бўйича таҳсил олди. Устозлари ҳақида фахрланиб гапиради:**

**Аброр ПАРПИЕВ:**

# ТАБИИЙЛИККА НИМА ЕТСИН



— Менинг қўшиқчиликдаги интилишларимни қўллаб-қувватлаган устозларимнинг барчасидан миннатдорман. Айниқса, Фаттоҳхон Мамадалиев, Рифатулла Қосимов, Қувондиқ Искандаров, Маҳмуджон Тожибоевларнинг сабоқлари, тарбиялари, йўл-йўриқлари кўп асқотади, деб ўйлайман.

**— Бундан тўрт йил илгари ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва ижодларини рағбатлантириш мақсадида юртбошимиз томонидан «Ниҳол» мукофоти таъсис этилган эди. Янглишмасам, сиз ҳам шу мукофот соҳиби бўлгансиз?**

— Республикамизда кўплаб кўрик-танловлар мунтазам ўтказилиб келинади. Уларнинг ҳар бири ўз мавқеига эга. 1998 йили Маъмуржон Узоқов номидаги танловнинг ғолиби бўлганман. Ўшандаги ҳис-ҳаяжонларим ҳали-ҳали ёдимда. «Ниҳол» мукофотига номзодим 2001 йилда қўйилди. Мукофотни қўлимга олаяпману, кўзимдаги ёшни яширолмайман. Чунки бундай юксак мукофот ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ўзингиз ўйланг, юртимизда қанчадан-қанча санъат билим юртлари, институтлар бор. Уларда юзлаб истеъдодли ёшлар таҳсил оладилар. Ҳамма ҳам шундай мукофотларни қўлга киритгиси келади. «Ўзбекистон — ватаним маним», «Она юртим наволари» кўрик-танловларида, тадбирларда иштирок этиб келаман. Булар ҳаммаси ижод, изланиш, янги қўшиқлар яратишга туртки бўлади.

**— Репертуарингизда мумтоз қўшиқлар, мақом ашулалари асосий ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда ёшлар асосан эстрада йўналишида ўзларини синаб кўраётганликларини назарда тутсак, бу танловингиз мухлисларда қизиқиш уйғотиши табиий.**

— Айтишларича, болалигимдан оғир, вазмин, тортинчоқ бўлган эканман. Ҳали ҳам характеримда бу хусусиятлар сақланиб қолган. Балки шунинг учун менга мақом қўшиқлари яқиндир. Репертуаримда эстрада йўналишида ҳам талайгина қўшиқлар бор. Тўғри, кўпчилик шўх-шодон куй-қўшиқларга жуда ўч. Эстрада йўналишида ижод қилиб, халқ оғзига тушиш бирмунча осонроқдек туюлади кўпларга. Лекин мумтоз қўшиқларни ижро этиб ҳам эл эътиборини қозониш мумкин.

**— Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» каналида «Оҳанрабо» кўрсатувидаги чиқишингизни кўрдим. Ана шу кўрсатув ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим.**

— Енгил-елпи йўл билан, овоз кучайтиргичлар ёрдамида, техникага суяниб ижод қилиш авж олган бир пайтда «Оҳанрабо» кўрсатувининг мунтазам бериб борилиши айни муддао, деб ўйлайман. Чунки бу кўрсатув биринчи навбатда жонли ижрони тарғиб қилиши билан аҳамиятли. Ҳар бир нарсада табиийликка нима етсин.

**— Тўғри айтасиз. Яқинда бир жойда наҳорги ошда бўлдик. Тўйхонанинг ўртасида бир хонанда иккита чолғучиси билан мумтоз ашулаларни ижро этяпти. Ёнимизда ўтирган кекса отахонлардан бири «Уни қара, фонограммалиги билиниб қоляпти, доираси йўғу доира товуши жаранглайди-я» — деб қолди. Шундан кейин кузатиб ўтирдик, оғиз очилиб-ёпилишида ҳам сунъийлик сезилиб қоларди.**

— Албатта, шовқин-сурон билан ўтадиган тўйларда бундай ҳол билинмаслиги мумкин. Лекин, мумтоз қўшиқчи ижросида бу каби алдамчи ижролар хонанданинг обрўйига путур етказиши тайин.

**— Аброржон, ҳозир аксарият ёш хонандалар кўп қийналиб ўтирмай, ўзлари шеър ёзиб, куй басталаб юборишаверади...**

— Гапингизга тушундим, асосан, мумтоз шеъриятимизни, айниқса, Фурқат, Увайсий, Нодирабегим ғазалларини мутолаа қилишни яхши кўраман. Замонавий шоирлардан Эътибор Охунова, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Нилуфар, Рислиғой Ҳотамова каби шоирларнинг шеърлари қўшиқларимнинг асосини ташкил қилади. Ўтган йили ўзбекистонлик бир гуруҳ санъаткорлар билан Саудия Арабистонида ижодий сафарда бўлдик. Ўн кун давомида турли тадбирларда қўшиқ ижро этишга тўғри келди. Аксарият Фурқат ғазали билан «Қадимги ушшоқ»ни айтишни кўп сўрашди. Шунда мумтоз қўшиқларимизнинг умри боқийлигига яна бир бор иқрор бўлдим.

**— Режаларингиз қандай?**

— Илк аудиокассета устидаги ишлар ниҳояланиб қолди. Яқин ойлар ичида яккахон концерт дастурим билан мухлисларимни ҳушнуд этиш ниятим ҳам йўқ эмас. Афсуски, шундай яхши кунларни отамиз кўрмадилар. Мавжудахон ҳожи онамиз орзу ҳавасларимизни кўрсинлар деб ният қиламан.

**Аброр қўшиқни шунчаки айтмайди, балки тингловчи билан наво орқали суҳбатлашишга, дардлашишга ҳаракат қилади. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси қошидаги «Ўзбегим юлдузлари» ашула ва рақс ансамблининг яккахон хонандаси сифатида ижод қилаётган Аброржонга изланишларида куч-ғайрат, сабр ҳамда соғлик тилаймиз.**

*Суҳбатдош:*
**Асрор СУЛАЙМОНОВ.**

# СЎНГГИ ИЛИНЖИ

Туркистон генерал-губернатори бу қулай вазиятдан фойдаланиб қолиш учун, аввало, хоннинг ўзини Тошкентга чақириш, уни ҳийла-найранг йўли билан Россия ичкарисига жўнатиш ва шундан сўнг бу қўшни мамлакатга қарши ҳарбий юриш бошлашни мақсад қилиб олади. Фон Кауфман гўё Худоёрхонни унинг душманлари ҳужумидан омон сақлаш учун 60 кишидан иборат казак аскарларини юбориб, унга Тошкентга келишни таклиф этган. Зотан, «Туркестанские ведомости»нинг 1875 йил 5 августдаги 31-сонида: «Собиқ Қўқон хонига Хўжанддан Тошкентга кўчиб келиш таклиф этилди», деган сўзлар битилган эди. Ҳақиқатан ҳам, газетада юқоридаги сўзлар эълон қилинишидан аввалроқ, яъни 24 июлда Худоёрхон фон Кауфман маслаҳатига кўра ўз оиласи, яқин аъёнлари ва бир гуруҳ соқчи аскарлари билан Хўжандга келиб, шу ерда ўн кун чамаси яшаб турган. Фон Кауфманнинг қора ниятларидан бехабар Худоёрхон генерал-губернатор таклифига кўра Тошкентга келаётганида кўп йиллар давомида хонга олтин тоғлар ваъда қилган ўз валийнеъматидан ҳақиқий нажот топишни, бу ердан рус қўшинлари ва даҳшатли тўп-тўпхоналари билан Қўқонга қайтиб, тахтни яна эгаллашни ният қилган, чамаси. Авваллари икки бор тахтдан тушиб, икки бор тахтга ўтириб, ҳаётнинг паст-баландини кўп кўрган хон Тошкентдаги эски қадрдонларига учраб, фон Кауфман билан қандай муомала қилиш ҳақида маслаҳат олиш учун ўз хуфияси Ориф рикобни барвақт Сайид Азимбой олдига жўнатади. Тошкентликлар маслаҳатини Ориф рикоб Хўжанддан чиқиб Тошкентга келаётган хонга йўлда етказади.

«Туркистон вилоятининг газети»: «Хўқанднинг хони Худоёрхон Туркистон генерал-губернатури генерал-адъютант фон Кауфманнинг рухсатлари билан Хўжанд шаҳридин чиқиб, саккизинчи овғустда Тошканд шаҳриға келдилар», деган хабарни босган эди (19 август 1875 йил, 20-сон).

Не-не умидлар билан фон Кауфман ҳузурига етиб келган Худоёрхон боши харсангга урилгандек лолу ҳайрон бўлиб қолади. Чунки Туркистон генерал-губернатори унинг катта ҳарбий куч билан юртига қайтиб бориб, тахтни қайта эгаллаш орзусини сароб деб атаб, «русия давлатидан катта нафақа олиб, шу мамлакат ҳудудида яшаш»ни таклиф этган эди.

Фон Кауфманнинг ҳамма масала Петербургга бориб Россия императори билан учрашганидан кейин ҳал бўлажаги ҳақидаги найрангига учган хон сархуш ҳолда бу таклифни қабул қилади. Фон Кауфман Худоёрхонни Петербургга жўнатганлиги ҳақида расмий доираларда қайта-қайта гапириб, аслида уни Оренбургда эрксиз маҳбус ҳолатида тутиб қолажаги ҳақидаги фикрни у кунларда ўз атрофидаги энг ишончли кишилардан ҳам сир тутганди. Хуллас, ҳали кўнглида умид учқунлари бўлган Худоёрхон Петербургга, император ҳузурига бораман, деган ниятда йўлга тушади. Аммо кўнглининг бир чеккасида Петербургга кетяпману ўз юртимга қайтиб кела олмаслигим ҳам мумкин, деган мудҳиш хаёл кезарди. Шунинг учун йўлни Туркистон шаҳрига буриб, у ерда севикли хотини Оғача ойимни, азиз фарзандлари Ўрмонбек билан Фансуруллобекни баъзи хизматкорлар билан бирга қолдириб кетади. Шундан сўнг Петербург йўлидаги энг катта шаҳарлардан бўлмиш Оренбургга тушиб, у ернинг генерал-губернатори Крижановский билан учрашиб, унга ўз ҳол-аҳволидан хабар бериш мақсадида шаҳарга кириб келади. Бироқ ўша кунлари Крижановский шаҳарда йўқ экан. Унинг маҳкама ходимлари хонга генерал-губернатор шаҳарга қайтишини, кутиш кераклигини қатъий равишда таъкидлайдилар. Орадан бир неча кун ўтгач, шаҳарга қайтган Крижановский хонни юзда сохта тавозе билан кутиб олади, улар бир-бирлари билан совға алмашган ҳам бўладилар. Ўша куннинг эртаси ёки индинига бориб, Крижановский Худоёрхонни ўз ҳузурига чақириб, унга пойтахтдан алоҳида кўрсатма келгунига қадар Оренбургда яшаб туриши зарур эканини айтади.

Аввалда Россияга эркин меҳмон сифатида бориб, саёҳат қилиб, дам олиб келаман, деб ўйлаган Худоёрхон ўзининг эрки юлиб олинганини, ярим маҳбус сифатида яшашга мажбур эканини энди тушунади. Хоннинг эркиз кунлари бошланади, пойтахтдан ўзи ҳақида қачон кўрсатма келишини генерал-губернатор маҳкамасидан сўрай-сўрай ҳолдан тойган Худоёрхон энди Оренбургдан ҳали-бери кетиши мушкул эканига кўникиб, шаҳарнинг Водяной ва Атаман кўчалари чорраҳасида бир ёғоч уй сотиб олиб, ўзи бирга олиб кетган хотинлари, қариндош-уруғ ва хизматкорлари билан биргаликда шу уйда яшай бошлайди. Бу даврда Крижановский хонни бир неча марта ўз ҳузурига чақириб гаплашади. Петербург ва Тошкентда Худоёрхоннинг келгуси тақдирини белгилаб бериши мумкин бўлган идоралар ва амалдорлар билан ёзишмалар олиб боради. Худоёрхон Крижановскийдан ўзини Петербургга император ҳузурига юборишни илтимос қилган эди. Унинг бу илтимоси императорга етказилганида, генерал-адъютант граф Гейден Крижановскийга 1875 йил 27 сентябрда: «Олий ҳазрат ўз ироadmaларини маълум қилиб, Худоёр Санкт-Петербургга келмасин, дея буюрдилар», мазмунида телеграмма беради (715-жамғарма, 1-қайд, 63-иш, 622-саҳифа). Худоёрхон ўзининг ҳажга боришига рухсат беришларини илтимос қилган эди. Шу муносабат билан 1875 йил 6 ноябрда Россия ҳарбий вазири Милютин Крижановскийга: «ҳозир шарқда нотинчлик бўлиб турган шароитда Худоёрхонни Маккага чиқариб юбориш ноқулай бўлади, кечиктириш керак», деб телеграмма беради (715-жамғарма, 1-қайд, 65-иш, 64-саҳифа).

Петербургга, император ҳузурига бориш нияти барбод бўлгач, Худоёрхон Москвада бир бой қариндоши борлигини, ўшаникига бориб яшаш орзусида эканини маълум қилади. Хоннинг бу мақсадига император томонидан монеълик йўқдай эди. Чунончи, Бош штаб бошлиғи граф Гейденнинг Крижановскийга 1875 йил 21 ноябрда ёзган хатида император Худоёрхонга мамлакатнинг Петербург ва Туркистондан ташқари ҳудудларидан яшаш учун ўзига жой танлашига рухсат бергани айтилган (715-жамғарма,1-қайд, 65-иш, 221-саҳифа). Бироқ икки йилдан ортиқ давр мобайнида бу масала ҳам ҳал этилмайди. Ташқи дунёдан бутунлай ажратиб қўйилган хон Оренбургда диққинафас бўлиб яшайверади. Ана шундай энг оғир бир вазиятда Крижановский одамлари унга хон тўғрисида чақувларни тез-тез етказиб турар эдилар. Кейинчалик Бўмбайдан Кауфманга ёзган хатида Худоёрхон: «Бир пора одамларимизни тарафидин губирнатурға шикоят қилибдурларки: от олди ва яна одам жам қилур, дебдурлар. Бир неча одамлар ул тарафдин бизга хабар бердиларки, губирнатур баҳодир сиздин кўп ранжибдурлар, деб сўзланди... Ноҳақ сўзлар бизнинг ҳақимизда сўзланди».

Ана шундай танг бир шароитда 1877 йил 3 октябрга ўтар кечаси Худоёрхоннинг Оренбургдаги уйига ўғрилар тушади. Юқорида эслатилган Бўмбайдан фон Кауфманга хатида Худоёрхон «Шу аснода уйимизға ўғри келди ва яна бир хафалик тушди», деб ёзади. Хон уйига ўғрилар тушганлиги ўша давр матбуотида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, «Туркестанские ведомости» ўзининг ўша йил 8 ноябрдаги сонида «Оренбургский листок»дан шу ҳақдаги хабарни кўчириб босади. Унда, жумладан, бундай дейилган эди: «3 октябрда, кечаси соат бирда, собиқ Қўқон хони Худоёрникига икки фойтунда ёвуз ниятли номаълум кишилар келиб, ҳовлидаги эшикка тиралганча, деразанинг битта ойнасини кўчирганлар ва келганларнинг бири деразадан ичкарига суқилиб кира бошлаган, лекин Худоёр ҳали ухламай ётган экан, суқилиб кираётган ўғрини кўргач, у ёнидаги темир сўйил билан ўғрини шундай қаттиқ урганки, деразада қон доғлари пайдо бўлган. Шундан сўнг барча ўғрилар тирақайлаб қочиб кетганлар. Рўй берган бу ҳодиса юзасидан тергов олиб борилмоқда».

Шуларнинг ҳаммасидан сўнг Худоёрхон анчадан бери кўнглида сақлаб юрган Маккага жўнаш ниятини амалга оширишга шитоб билан киришади. Баъзи тадқиқотларда айтилганидек, хон ўзи билан бирга Оренбургга олиб борган икки хотинини юртига, жияни Акромхон тўрани эса энг севимли фарзанди Ўрмонбекка қараб туриш учун Туркистон шаҳрига жўнатади, хизматкорларининг баъзиларига ҳам жавоб бериб юборади, Оренбург банкида сақланаётган маблағидан 32 минг рублни олиб, 3 мингдан кўпроғини «хўжа кўрсин»га қолдиради. Ўша йилнинг 11 ноябрида уйидаги икки хизматкорга овга кетаётганини айтиб, қариндошлари бўлмиш Султонхон ва Нурмуҳаммад деган кишилар ҳамроҳлигида йўлга тушади. Аввалдан келишиб қўйилган Турди ёфис ва Нуржон тўрани йўлдан ўзларига ҳамроҳ қилишади.

Тадқиқотчи А.Акрам ўша сафар вақтида Худоёрхон ва шериклари томонидан зўрлаб бирга олиб кетилмоқчи бўлган, маълум вақтгача улар билан бирга юриб, имкон туғилиши билан хоннинг тўриқ оти ва милтиғини ўғирлаб қочган Ўтужа Жоновнинг кейинчалик тергов чоғида берган маълумотларида Худоёрхоннинг ёнида тўрт киши, улардан Султон ва Нурмуҳаммад ўзбек, Нуржон тўра қозоқ ва Турди туркман экани айтилганига эътиборни қаратади. Муҳими шундаки, Ўтужанинг айтишича, Худоёрхон ва ҳамроҳлари унга аввал Англияга, сўнгра Туркияга бормоқчи эканликларини айтганлар, хон ўз тахтига қайтгач, Ўтужага кўп бойлик ва мансаб беришга ваъда қилган. Демак, Худоёрхон ҳаж зиёратига боришдан олдин Англияга бормоқ ниятида бўлган. Лекин юртидан тезроқ чиқиб кетиш йўли Кобул орқали тушганидан, иккинчи томондан, чамаси, ҳаж мавсуми яқинлашиб қолганидан (1877 йили ҳаж мавсуми 17 декабрдан бошланган) Маккаи мукаррамага етиб олишни мўлжаллаган ва бошқа сафарларини орқага сурган кўринади.

Худоёрхон Оренбургдан қочиши биланоқ Россия ҳудудларида ва хонликларда уни дарҳол тутиб, ҳукумат маъмурларига топшириш учун кенг фаолият бошлаб юборилади, пойтахтдаги мутасаддилар Оренбург генерал-губернатори Крижановский, фон Кауфман, Амир Насруллога кетма-кет кўрсатмалар беришади. Лекин буларнинг бирортаси ҳам фойда бермайди.

Хоннинг ҳаж сафари учун йўлга чиққандан кейин кириб борган дастлабки мамлакати баъзи манбаларда Эрон, баъзиларида эса Афғонистон деб кўрсатилади. «Туркистон вилоятининг газети»да 1878 йил 21 июнда босилган хабарда у дастлаб Афғонистонга, у ердан Эронга, сўнгра Ироқ орқали Маккаи мукаррамага боргани айтилса, Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона»сида «Анда (Эронда демоқчи) Амир Насриддин шоҳ экан. Анга хат юбориб сўзлашганда, хонни кирмакиға қабул қилмай, афғон амири Шералихон ҳам олмай, тўғри Афғонистоннинг ичи ила Пешовар шаҳриға юриб, Пешоварға кирганда ҳамшаҳарлар истиқбол қилиб, тўғри Пешоварға кириб, Гўрканд деган эски ўрдаға тушган экан». Ибратнинг ёзишича, шу ердан хон Аҳмадободга, сўнгра Бўмбайга, ниҳоят Жидда орқали Маккаи мукаррамага борган.

Ҳарқалай, Худоёрхон изидан ҳажга борган ва хонни кўрган кўплаб кишилар билан суҳбатлашган, хоннинг хориждаги ҳаётига оид тафсилотларни аниқлаган андижонлик Мулла Муҳаммад Умарбек берган маълумотларга асосланганини ҳисобга олсак, хоннинг Маккаи мукаррамагача бўлган сафар йўналиши ҳақидаги Исҳоқхоннинг фикрлари кўпроқ ишонарли, дейишга асос бор.

Худоёрхон ҳаж зиёратига бориш жараёнида ҳам, ҳаж арконларини адо этгандан кейин ҳам унинг бошига кўп мусибатлар тушади. Ҳавоий-Умидий «Мактубчаи хон» достонида Худоёрхон ўз жамғармасидан 50000 сўм олиб, йўлга тушганини, Маккага бориш йўлида маблағининг барини ўғрига олдиргани, фақат битта олтин соатигина қолганини рақам қилса, «Туркистон вилоятининг газети» 1878 йил 21 июндаги сонида: «Шералихоннинг (Афғонистоннинг ўша вақтдаги амири) Кобулдан юборган фармойиши бўйича, Худоёрхоннинг қўлидаги барча пулларини олиб, ўзини Эрон мамлакатига ўтказиб юборибдур», дейилган. Бу маълумотларнинг қайси бири тўғри бўлганида ҳам, ҳарқалай Худоёрхон ҳажга бориш вақтида ўзи ва ҳамроҳларининг тирикчилиги учун зарур бўлган асосий маблағидан маҳрум этилган. Лекин хонга садоқатиданми ёки унга раҳми келганиданми, Бўмбайда истиқомат қилаётган фарғоналиклар унга 1000 рупий пул жамлаб бериб, ҳаж йўлига солиб юборганликларини Исҳоқхон Ибрат илгарироқ айтганимиз Мулла Муҳаммад Умарбек ҳожи тилидан баён этади. Йўл-йўлакай ўзининг ҳамюртларидан ҳожи Муҳиддин Бухорий, ҳожи Юсуфали Марғиноний, Қори Абдулҳаким Марғиноний, ҳожи Содиқ Конибодомий ва бошқалар билан учрашиб, улардан илтифот кўрган хон Жидда орқали Маккаи мукаррамага етиб олади. Ҳаж рукнларини адо этиб, ҳаж муддати тугагандан кейин яна бошига кетма-кет кулфатлар тушади. Маккада, ҳарам яқинидаги эски бир ўрдада ҳожи Шаҳид Калон эшон Намангоний ва унинг солиҳ фарзандлари Юсуфхон тўра ҳамда Омон халифа билан биргаликда истиқомат қилиб, ҳар куни беш вақт намозни ҳарамнинг ўзида адо этиб юрган кезида илгари хоннинг Наманган тарафдаги солиқ йиғувчиларидан бўлган ва эгри қўлликда айбланиб, мол-мулки мусодара этилиб, хонлик ҳудудидан бадарға қилинган Содиқ саркор Ортиқ саркор ўғли ўч олиш ниятида атайлаб Худоёрхон орқасидан келиб, катта бир тош билан уриб, икки тишини синдиради.

Бу иш юзасидан тергов бўлиб, айбдорни 4 йил қамоққа ҳукм қилаётганларида хон «менинг даъвом йўқ», деб унга бериладиган жазони кўп жиҳатдан енгиллаштиришга эришади.

Худоёрхон Маккада яна бир мунча муддат истиқомат қилгач, унинг билагига ёмон яра чиқади. Бу ҳақда хоннинг ўзи кейинчалик фон Кауфманга ёзган мактубида аниқ маълумот беради: «Бир неча вақтлардан сўнг Маккада қўлимизга бир жароҳат чиқди ва бу жароҳатдин дўхтири Макка бир неча гўштларни кесиб олди ва яна олти ой Маккада турдук. Жароҳат яхши бўлмади. Ва яна бир неча одамлар сўзларики, Ҳиндустонда кўп яхши дўхтурлар бор, дедилар. Ул сабабдин Бўмбайга келдук. Дўхтири инглис жароҳатни кўрди, дорию дармон қилди. Муддати беш ой Бўмбайда турдук. Жароҳат яхши бўлди». Демак, қўлига чиққан яра азобини хон бир йил чамаси тортган, сўнгра ундан фориғ бўлган.

«Ана шу яра чиқишидан олдинги ва жароҳат тузалганидан кейинги қайси муддатларда Худоёрхон қаерда бўлган ва қандай ишлар билан шуғулланган?», деган савол келиб чиқади. Бу ҳақда маълумотлар кам учрайди ва уларнинг зидлиги кўзга ташланади. Шунга қарамай, уларни таҳлил этишга ва баъзи хулосалар чиқаришга уриниб кўрамиз. Чунки бу маълумотларнинг муайян қисми Худоёрхон, аввало, Бўмбайга, ундан Англияга, қиролича Виктория ҳузурига қандай борганлиги ва бу ишнинг оқибатлари билан бевосита боғлиқдир.

Эшқобил ВАЛИ

# ЭНАМНИНГ ТЕРМАЛАРИ

*(халқ оҳангида)*

*Онам Ҳурмат момо хотирасига*

**Менга тегмаган илон
Яна минг йил яшасин,
Мени ранжитдинг бекор —
Қизинг менга ўхшасин.**

**Хотиндан хўжа чиқса
Эчкини икки суяди.
Номардга навбат тегса,
Марднинг кўзин ўяди.**

**Яйдоқ юрган байирнинг
Сағрисига кўп боқма.
Ахта бўлган айғирнинг
Жўрасидай улоқма.**

**Қайнаётган қозонда
Қўйнинг думбаси яхши
Ўтириб қолган қиз учун
Эрнинг ҳаммаси яхши.**

**Оғилхона тўрида
Боғланибди қўш хўкиз.
Номгинанг — тиллатопар,
Сувратинг қорақўнғиз.**

**Қўтон тўла қўй бўлсин,
Ҳовли тўлиб тўй бўлсин.
Қозон тўла ош бўлсин,
Кўрпа тўла бош бўлсин.**

**Эр киши пирли бўлар,
Жонхотин эрли бўлар.
Жонсуғургич хотиннинг
Ўн қарич тили бўлар.**

**Оқбошдан ўтин бўлмас,
Ўйнашдан хотин бўлмас.
Қуйруққа бўккан билан,
Эт бўлар, метин бўлмас.**

**Сувдан семирса агар,
Қурбақа семиради.
Омади келиб қолса,
Сичқон филни йиқарди.**

**Тўқол хотин бой келар,
Пасткаш меҳмон кўп келар.
Оғриқ жойини топса,
Олти ойу қиш келар.**

**Тил бошқаю тилак бошқа,
Юз бошқаю юрак бошқа.
Емхўр от тўрва тешар,
Ғанимнинг ичи қашқа.**

**Ямасанг янги бўлар,
Янгининг тенги бўлар.
Оқсоқ қўй пешин марар,
Ур эшак ҳангги бўлар.**

**От борида йўл тани,
Эс борида эл тани.
Тухум босган эркакнинг
Хотинидир мултони.**

**Қариндошдан қарз олма,
Қариндошга қиз берма.
Бузоқ туркидан маълум.
Эгасин сўраб юрма.**

**Шарқираган булоқни
Лойқалатар жимжилоқ,
Гуриллаган подани
Булғаб кетар бир бузоқ.**

**Дикирлаган эчкининг
Чарвисига ким тўяр?
Юмалаб ётган хўкизнинг
Чарвисига эл тўяр!**

Илҳом ЗОЙИР

# ИККИ ҲАЖВИЯ




Меҳмонларни корхона цехлари билан таништираётган Сотти Сувоновичнинг қаватида пилдираб юрган ўринбосари Ҳалимжон ҳовлиққанча хўжалик ишлари мудири Турдиқулни бир чеккага тортди.

— Турдиқул, тезда бир парча латта топ! — деди типирчилаб.

— Латта?! Қанақа латта? — деди Турдиқул пешанаси тиришиб.

— Оёқ, э, ботинка артадиган латта-да.

— Нимага керак бўлиб қолди?

— Сотти Сувоновичнинг ботинкаларига чанг қўнибди. Артиб қўймаса бўлмайди. Меҳмонлар айб қилиши мумкин.

— Меҳмонларнинг олдида ноқулай эмасми?

— Нега ноқулай бўларкан?

— Лаганбардор экан, деб ўйлашади-да.

— Меҳмонларнинг ўйлаши билан нима ишим бор!

Турдиқул бироз ҳовридан тушди.

— Сотти Сувоновичнинг ўзлари айтдиларми?

— Йўқ, ўзлари ҳали билмайдилар. Қоринлари оёқларининг учини тўсиб турибди.

— Ўзлари айтмаган бўлсалар, сизга нима?

— Билиб қолсалар, менга гап тегиши мумкин.

— Нимага энди сизга?

— "Мен-ку кўрмабман, сенинг кўзинг қаерда эди?" деб кўпчиликнинг олдида шарманда қилишлари ҳеч гап эмас.

— Демак, латта топиш керак, шундайми?

— Шундай, Турдиқул, топмаса бўлмайди.

Турдиқул чўнтагидан рўмолчасини олиб, Сотти Сувонович томон юрди. Ҳалимжон унинг орқасидан югурди.

— Қаёққа, Турдиқул, тўхта!

— Қаёққа бўларди, Сотти Сувоновичнинг ботинкаларини артиб қўйишга-да!

— Мен ўзим артаман, рўмолчангни буёққа бер!

— Йўқ, ўзим, сизга ярашмайди.

— Бинойидай ярашади-да, қани, менга бер-чи!

Турдиқулнинг бирдан феъли айниди.

— Ҳо, обрўни сиз олмоқчимисиз?

Ҳалимжон ҳам тўнини тескари кийди.

— Нима, сен менинг ғоямни ўзлаштирмоқчимисан?!

— Йўқ! Лекин даструмолча меники!

— Ғоя эса меники!..

Иш ҳиқилдоққа бориб тақалганда, Сотти Сувонович меҳмонларнинг машинасига ўтириб қаёққадир жўнаб қолди...

* * *

Ўринбосари кириб келганда, ғишт заводининг директори Қошиқов қошларини чимириб ўтирган эди.

— Тинчликми, рангизда ранг йўқ! — сўради ўринбосар.

— Ҳушёр бўлиб туринглар, биттаси келади, — деди Қошиқов.

— Ким экан у?

— Билмайман, девдай, асаби чатоқ дейишди. Қўлидан ҳамма иш келармиш... Келса, сизга чиқараман. Ўзингиз тинчитинг!




Ўринбосар пешонасини тириштириб чиқиб кетди. Орадан бир соат вақт ўтди. Эшик тақиллаб, сўнг очилди.

— Мени сизга юборишди, — айтилган киши кириб келди.

— Мен шошиб турувдим, ўринбосаримга учрашинг, — деди Қошиқов баҳона қилиб...

Орадан беш-ўн дақиқа ўтди. Ўринбосар қўлларини ишқалаганча Қошиқовга ялтоқланди:

— Оғиз очолмади, қўлига бир "ғишт" тутқазиб юбордим...

Эртаси куни яна пайдо бўлди ўша нусха.

— Мени сизга юборишди, — деди мўлмайиб эшик ёнида тикка турарқан.

— Мен бандман, ўринбосаримга учрашинг! — Қошиқовнинг титраб-қақшаб айтган гапи шу бўлди.

Бироздан сўнг ўринбосар оғзи қулоғида кириб келди:

— Оғиз очмоқчи эди, яна битта "ғишт"ни оғзига уриб юбордим, — деди "ишни қойил қилдим" дегандай...

Номаълум нусха учинчи бор келганда, Қошиқовнинг сабри чидамади.

— Кир, ўтир қани бу ерга! — деди у нусхага дўқ уриб. — Берар-кан деб, келаверасанми? Қаерда ишлайсан ўзи?

— Ҳеч қаерда ишламайман.

— Унда нега ҳар куни келасан?

— Сизга юборишгандан кейин келаман-да.

— Ким юборди сени?

— Божангиз, Саидваққос ака.

— Нима керак сенга?

— Иш керак.

— Шу дардингни дарров айтмайсанми?

— Келсам бандсиз. Ўринбосарингиз сўраб-суриштирмай пул бергани берган.

— Нега беряпсан, деб сўрамайсанми?

— Қаердан билай, бу ерда маош олдиндан берилса керак, деб ўйладим-да.

— Э, ўйламай кет! Одамни ўтакасини ёрдинг-ку! Бўпти, олган маошингни ҳалоллайсан энди...

Божасининг таниши чиқиб кетгач, Қошиқов енгил нафас олди.

# Дунё— кенг...



## НАПОЛЕОН НОҲАҚ

**Буюк мусаввир Салвадор Дали хизматкорига ухлаб ётганида ёстиғига хушбўй атирдан томизишни, турли хил товушлар чиқаришни тайинлар экан. Муаттар ҳид ва ёқимли товушлар рассомни уйқусида хушвақт қилган бўлса ажабмас.**

Одам умрининг учдан бир қисми уйқу билан ўтиши маълум. Бироқ умрнинг мана шу қисмини бахтли ўтказишнинг имкони борми? Хўш, уйқуда ўтадиган умр палласини, чиндан, бахтли кечириш одамнинг қўлидан келадими?

Наполеон Бонапарт фавқулодда истеъдодли ва ўта ишчан киши бўлган экан. У ўзининг вазирларини тез-тез тергаб, уларнинг хатти-ҳаракатини танқидий баҳолаб, бу аҳволда ишлашса бир неча йилдан кейин ҳатто ҳожатга боришга ҳам ярамай қолишлари мумкинлигини айтиб, қаттиқ огоҳлантириб турган. «Эркак киши тўрт соат ухлайди, аёл — беш соат, фақат аҳмоққина олти соат ухлаши мумкин», деган гап айнан Наполеонга тегишли.

Бироқ ҳозирги замоннинг физиологлари унинг гапини рад этишди. Саратон хасталиги тадқиқоти Америка жамияти ўттиз ёшдан ошган бир миллион нафардан ортиқ одам орасида сўров ўтказди. Сўровнома натижаларига кўра, 7-8 соатдан кам ухлайдиган кишилар ўртасида саратон билан касалланиш эҳтимоли кучлироқ экан. Бир кунда тўрт соатдан кам ухлайдиганлар орасида ўлим даражаси жуда юқорилиги қайд этилган.

Уйқуга кетадиган вақтни қисқартиришга уринадиган одамларни тушуниш мумкин: улар умрнинг учдан бир қисмини ухлаб бефойда ўтказишни хоҳламайдилар. Хўш, уйқуни фойдали, мазмунли ўтказишнинг йўли борми? Яъни, дейлик, тушда ҳар хил саргузаштларни кўриб, яхши ҳис-туйғуларни кечириб ёки бир умр кўришни орзу қилган мамлакатларда бўлиб, миллионерга ё буюк қаҳрамонга айланиб яшаш мумкинми?

Бунинг учун, олимларнинг эътироф этишларича, киши уйқу ҳолатида ўз уйқусини «бошқара олиши» лозим бўлади.

Уйқуни «бошқариш» муаммосини ўрганишга дастлаб АҚШда киришилган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида кун бўйи хизмат қиладиган «уйқу телефонлари» пайдо бўлди. Уйқудан уйғонган одам бу телефонга қўнғироқ қилиб, кўрган тушини айтиб бериши ва унинг таъбирини эшитиши мумкин эди.

Кейин махсус курслар ва семинарлар йўлга қўйилди, уларда дунё маданиятларида, анъана ва урф-одатларда тушларнинг ўрни ва аҳамияти тушунтирилди. Бу тадбирларга, гарчи нархи юқори бўлса-да, одам ёғиларди. Масалан, Стенфорд университетида уйқуни бошқариш бўйича тажриба орттиришга бағишланган ўн кунлик семинарнинг нархи 1500 доллар бўлган. Уйқуни ўрганиш бўйича Ассоциация юзага келган, бу соҳага доир адабиётлар, махсус аудиокассеталар чиқарила бошланган. Ҳатто уйқуни бошқариш бўйича туристик агентликлар тузила бошлаган. Ва бу ҳаракатлар мўмайгина даромад келтира бошлади. Хуллас, Наполеон айтганидай, кам ухлагандан кўра, уйқуни чўзиш ҳам зиён келтирмаслиги аён бўлди.

Америкалик профессор Стивен Лаберж Nova Dreamer деб номланган махсус ускуна яратди. Бу ғаройиб ускуна ёрдамида киши уйқу ҳолатида бемалол ўз уйқусини бошқариш имконига эга бўлади. Ускунанинг баҳоси 195 доллар. Ускунанинг кўзга кийиладиган ойнак қисми кўз соққасининг ҳаракатини қайд этиб, одам қачон туш кўра бошлаганини аниқлайди. Шундан сўнг кўзойнак ўзидан турли рангдаги ёруғлик ва ҳар хил оҳангдаги товушлар чиқаради. Бу ёруғлик ва товушларни ухлаётган одам қабул қилади, бироқ улар таъсирида уйғониб кетмайди. Ушбу ҳолатда киши ўзининг уйқудалигини, ускунаси — Nova Dreamer ишлаётганини англаб етади. Дастлаб онгда кечадиган бу ҳолат кишини ҳаяжонга солади, лекин бироз ўтиб шу ҳолатга кўникиш ҳосил бўлади ва киши ўзининг уйқудалигини англаб етади. Шундан сўнг, у тушида хоҳлаган жойга бориши ва хоҳлаган ишини қилиши мумкин. Яъни, у уйқусини уйқу ҳолатида бемалол бошқара олади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида доктор Лабержнинг бу кашфиётига кўпчилик ишонмади. Ўзининг ҳақлигини исботлаш учун олим ўз устида тажриба ўтказиб кўришни таклиф қилди. Махсус асбоблар унинг уйқуга кетганини аниқ кўрсатганидан кейин, Лаберж олдин келишилган шартга кўра, кўзининг соққаларини аввал ўнгга, кейин чапга ва сўнг бурун томонга ҳаракатлантириб — уйқу ҳолатида ўз онгини бошқараётганини намойиш қилди. Бу тажриба бир неча марта кўпчилик олдида такрорлангандан сўнг олимнинг кашфиётини шунчаки лўттибозлик деб қараганлар ҳам тан олишга мажбур бўлишди.

Америкалик олим ҳар қандай соғлом одам ухлаган ҳолатда уйқусини бошқара олишни ўрганиш имконига эга, деб ҳисоблайди.



# МАМАТ ПОЛВОН

Бу дунёда салкам етмиш йил яшаб, қанча ёнбошлаб, қанча таомни сўнгги ошамигача еб Мамат полвон англаган яккаю ягона фалсафа шу бўлди: ошхонада чой ичиб кунни кеч қилгандан кўра чойхонада ош еб яйраган яхши.

* * *

Мамат полвоннинг ўғилларига, набираларига қиладиган насиҳати битта — ит бўлганидан кейин акиллайди. Акиллади деб уриб ўлдирасанми? Олдига суяк ташлагин-да, йўлингда кетавер, хумпар.

* * *

«Мамат полвон овқатни паққос туширди», деганидан кўра, «Йиллар давомида овқат Мамат полвонни паққос еди», дейиш тўғрироқ бўлади.

* * *

Мамат полвоннинг ўзига ўзи қиладиган насиҳати: «Бўйнинг темирдан бўлса ҳам аввал уёқ-буёққа қара, сўнг аста чўз!»

* * *

Мамат полвон қўшниларига баҳо берганда, бошқаларга ўхшаб у — бу деб ўтирмайди, гапнинг пўстқалласини айтадиқўяди: «Пастки қўшнимми, жа ипирисқи-да, сўраб чиқай десанг, дурустроқ белкураги ҳам йўқ. Болтасининг сопи қўлингни ўйиб ташлайди...»

* * *

Мамат полвон қинидан суғурилган қиличдай қўшнисига ташланмоқчи бўлди. Аммо эски белоғриғи ёдига тушиб, шартта орқасига қайтворди...

* * *

Бозор иқтисодиётига бизда биринчи бўлиб Мамат полвон ўтган: бозорда қўй сотса, ирим қилиб арқонини олиб қолади, қўй олса — арқони узунроғини танлайди.



| MT-1 | ABONEMENT gazeta 222 (nashr indeksi) Ўзбекистон адабиёти ва санъати | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| (nashr nomi) | | | | | | komtlekt soni | | | | | |
| 200___yil uchun | | | | | | (oylar bo'yicha) | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| Qayerga | | | | | | | | | | | |
| (pochta indeksi) | | | | | | (manzil) | | | | | |
| Kimga | | | | | | | | | | | |
| (familiyasi, ismi, shinfi) | | | | | | | | | | | |

| P.V. | joyi | ELTUV KARTOCHKASI gazeta 222 (nashr indeksi) | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон адабиёти ва санъати | | | | | | | | | | | |
| (nashr nomi) | | | | | | | | | | | |
| Obuna manzili o'zgartirish | Bahosi | so'm / so'm | | | | Komtlekt soni | | | | | |
| 200___yil uchun | | | | | | (oylar bo'yicha) | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| Qayerga | | | | | | | | | | | |
| (pochta indeksi) | | | | | | (manzil) | | | | | |
| Kimga | | | | | | | | | | | |
| (familiyasi, ismi, shinfi) | | | | | | | | | | | |

Дилшод РАЖАБ

*Ўзим ўқийман*

# ҚИШ ЗАВҚИ

## ҚОР



**Қор босмоқда атрофни —
Оқлар босар гупиллаб.
Оқлар... ҳатто Офтобни
Кўкда таслим қилдилар.**

**Қаҳратоннинг қаҳридан
Қўрқиб қотган ер-фалак,
Қўл кўтариб асирдай
Қилт этмай турар дарахт.**

**Фақат курашар бетин
Азамат шербилаклар —
Кураш учун яралган
Фидойи... Қоркураклар.**

## ҚАРҒА

*Қора қарға қоғ этар,
Ўз кўнглини чоғ этар.
Халқ мақоли*

**Мен қарғаман, қарғаман,
Бекор сўкиб қарғаманг.
Мен-ку бир беозор қуш,
Сизга нима қилдим, хўш?
Тўғри, «қағ-қағ» этаман,
Ўз кўнглим чоғ этаман.
Бунинг нимаси ёмон,
Ахир, қиш совуқ чунон.
Турмайман-да титраб зор,
Анов мусича мисол.
Куйлайман — «қоғ» этаман,
Кўнглимни чоғ этаман.
Деманг: «Шундай паллада
Бало борми «ялла»га.
Баҳор, ёздамас фақат,
Куйлаш керак ҳамма вақт.
Шунда қолмайсиз қотиб,
Ва қайғу, ғамга ботиб.**

## ҚАЛИН ДЎСТ

**Дўст билинар деганлар
Мушкул кунлар келганда,
Бир қалин дўстим бор, зўр
Жуда меҳрибон, ғамхўр.**



**Совуқ, аёзли кунда
Мендан ажрамай сира,
Олиб иссиқ бағрига
Асрар қишнинг қаҳридан.**

**Айланай бу дўстимдан,
Яъни иссиқ пўстиндан.**

## ҚИШКИ САФАР

**Мўрисидан дуд чиққан
Уйлар мисли поездлар,
Елаётир манзилга —
Шитоб, бизнинг поездлар.**

**Улар тўхтамас токи,
Совуқ қорлар кетгунча.
Токи сўнгги бекати
Навбаҳорга етгунча.**



## ҚИШ

**Қовоғингдан қор ёғар,
Бунча совуқ феълинг, қиш.
Тарновларда осилган
Сумалаклар — тилинг, қиш.**

**Ҳеч гуноҳ қилмасак-да
Чимчилаб юз-бурунни,
Тағин қилиб масхара
Кўрсатасан тилингни.**

## АРЧА

**Эркалатиб уйимиз
Энг тўрига ўтқаздик.
Қўлларингга турфа хил
Ўйинчоқлар тутқаздик.**

**Янги йилда яшариб
Ял-ял яшнаб турибсан.
Бизчи, олтин ёшликнинг
Бир йилини «ютқаздик».**

## ХУЛОСА

**Ойим айтди совуқда
Турмай уйга кир-кир,
Гапга кўнмай ҳовлидан
Чиқдим босиб бир-бир.**



**Тани муздай бир шамол
Эсар эди ҳур-ҳур.
Юрдим бекордан бекор
Совуқ қотиб дир-дир.
Мана энди ётибман
Таним оғриб зир-зир.
Йўталаман қур-қур,
Бош айланар гир-гир!
Дўстим, сенга маслаҳат,
Қулоқ бериб тур-тур.
Катталарнинг гапига
Йўқ демасдан кир-кир.
Шунда яқин йўламас
Дарду бало қурғур.**



# Яна қайтдим ёнингга

*Мақсад — ўтмишга қайтишни тарғиб этиш эмас. От ва эшакнинг аҳамияти йўқолмаганлиги, айниқса, қишлоқларда улардан фойдаланиш зарурати ҳисобга олиниб, ушбу шеър битилди.*

**Яна қайтдим ёнингга,
Ҳолимга боқ, эшагим.
Ёрдам қилмасанг менга,
Аҳвол чатоқ, эшагим.**

**Сендан юзим ўгириб,
Бегонага айландим.
«Волга»нинг қули бўлиб,
«Жигули»га бойландим.**

**Бир-биридан кам эмас
«Нексия», «Тико», «Дамас».
Пойгада «ким ўзар»га
Чопишарлар басма-бас.**



**Лекин «темир от»лардан
Қайтди менинг ихлосим.
Ками ўн милён экан,
Сўраб билсам баҳосин.**

**Хом хаёлдан не фойда?
Милён қайда, мен қайда.
Минсинлар бойваччалар,
Биз ерда, улар ойда.**

**Сен қулликка шай махлуқ,
Лек миннатдан йироқсан.
Ақл даъвонг, кибринг йўқ,
Нодондан яхшироқсан.**

**Хосиятли жонивор —
Пайғамбар минган улов,
Гар сени ким қилса хор,
Кун келур, бордир сўров.**

**Чиройли эгар ясаб,
Бахмалдан терлик қилай.
Ўтла яйловда яйраб,
Жунларинг тараб-силай.**

**Миниб Хива шаҳридан —
Бухорога етайин.
Бобом Хўжа Насриддин
Руҳини шод этайин.**

**Фозил ЗОҲИД**

*Расмлар муаллифи Жаҳонгир МИРЗО*

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи «Ғунча» журнали бош муҳаррири Ёқутхон Раҳимовага опаси

**Мавжуда ОРИПОВА**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Навбатчи — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди —

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 158. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН